

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Биринчи Президенти - Элбоши Нурсултон Назарбоевга мактуби



**Қозоғистон Республикаси
Биринчи Президенти - Элбоши
Нурсултон Назарбоев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Нурсултон Абишевич!

Сизнинг коронавирус касаллигига чалинганингиз тўғрисидаги хабарни чуқур безовталиқ ва катта хавотир билан қабул қилдим.

Ҳаётингиздаги ушбу синовли ва мураккаб пайтларда биз учун ҳамيشа чексиз эҳтиромга сазовор бўлиб келган Сиз, азиз оғамни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигимни ва яқин кўмақдош эканлигимни яна бир бор чин қалбдан маълум этмоқчиман.

Ҳеч шубҳасиз, қисқа фурсатларда мазкур вирусни муваффақиятли енгиб ўтиб, шифо топишингизга ва тузалиб кетишингизга ишончим комилдир.

Қадрли Нурсултон Абишевич, Сизга Қодир Аллоҳдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик, куч-қувват, узок умр ва янги зафарлар ато қилишини сўраб қоламан.

Тез орада Сиз билан дийдор кўришиш бахтига муяссарлик насиб этишига умид қиламан.

Ҳурмат билан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев

Манба